

“Сайхунобод ва Уйчи тажрибалари”
асосида кам даромадли хонадонларга
лойиҳалар пакетларини тақдим қилиш,
“мижозбай” ишлаш механизмини
жорий этиш орқали банклар
фаолиятини жонлантириш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**АҲОЛИ ХОНАДОНЛАРИДА САНОАТ УСУЛИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ
Қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги
захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида**

2024 йил 5 март,
ПҚ-115-сон

- маҳаллаларнинг ҳар бирига биттадан мини трактор олиб берилди;
- 4 тадан мотокультиватор олиб берилди;
- Ҳоким ёрдамчилари «1 сотих томорқадан камида 1–2 миллион сўм даромад» деган мезон асосида аҳоли учун бизнес режа ишлаб чиқади;
- агрономлар билан бирга ушбу техникалар ҳисобидан томорқа ерларини ҳайдаш ва экин экиш хизматларини кўрсатади.



биринчи мезон

мухтож, лекин ишлайдиган (кам даромадли), қўшимча даромад топишга қизиқиши бор хонадон бўлиши керак.

Мисол учун, “Мулканлик” маҳалласида яшовчи Мансуров Зухур хонадонидида ошхона мебеллари ишлаб чиқаради. Бир йилда **40-50 млн.сўм** даромад кўради. Турмуш ўртоғи Мансурова Шохсанам мактабда фаррош бўлиб ишлайди. Бўш вақтларида қўшимча даромад топиш учун хонадонда 33 млн.сўмлик оилавий кредит ҳисобига чорва моллари парваришлаш орқали сут маҳсулотларини етказиб беришни режалаштирмоқда. Оилага қўшимча 20 млн.сўм даромад келтиради.

иккинчи мезон

мухтож, лекин ишлашни истайдиган (ишсиз) аъзолари бор хонадон бўлиши керак.

Мисол учун, “Қулписар” маҳалласи “Гулзор” кўчаси **61-хонадонда** яшовчи фуқаро Алибоев Абдуҳаким **5-10 бош** қора мол ва **10-15 бош** қўй боқиб, йилига ўртача **27 млн.сўм** даромад олади. Икки нафар фарзанди бугунги кунда ишсизлиги сабабли, **1000 та** бедана боқиб йўлга қўйилади ва кунига **800 та** тухум олиб, донасини **500 сўмдан** сотганда **400 минг сўм** даромад олади. **200 минг сўм** озуқага чиқиб кетганда соф фойда кунлик **200 минг сўмни** ташкил этади. Бир ойда **6 млн.сўм**, бир йилда **72 млн.сўм** фойда олади.

учинчи мезон

томорқадан камида 50-60 млн.сўм даромад олиш имкони мавжуд бўлиши керак.

Мисол учун, “Пастки сўлоқли” маҳалласида яшовчи Аллаёров Бегали хонадонидида **20 сотих** томорқасида бодринг ва кўкатлар етиштирилади. Фуқаро бир йилда **3 тонна бодиринг ва кўкатлар** сотиш орқали **35 млн.сўм** даромад кўради. Қўшимча даромад топиш учун хонадонда кредит ҳисобига яна 2 сотих иссиқхона қуриш орқали даромадини 60 млн.сўмга оширади.

тўртинчи мезон

3 сотихдан кам бўлмаган иссиқхона ташкил этиш керак, яъни томорқа ер майдони 5-6 сотих бўлиши лозим.

Мисол учун, “Тошкентлик” маҳалласида яшовчи Азизова Озода хонадонидида **40 та** товуқ, **60 та** жўжа, **25 та** қурка боқилади. Тухум сотиш орқали бир йилда **15 млн.сўм** даромад кўради. Қўшимча даромад топиш учун хонадонидида оилавий кредит ҳисобига **3 сотих** иссиқхона ташкил қилиб, бодринг экиш орқали бир йилда қўшимча **70-80 млн.сўм** даромад кўриши режалаштирилмоқда.

бешинчи мезон

кўрсатиладиган молиявий кўмак (грант) миқдори лойиҳа қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган бўлиши лозим.

“Олмали” маҳалласида истиқомат қилувчи Исмоилова Феруза хонадонидида ўз маблағлари ҳисобидан **150 та** товуқ, **100 та** жўжа боқиб йўлга қўйган. Хонадон эгаси бир кунда **80 дона** тухум сотиш орқали ҳар кун **120 минг сўм**, бир ойда **3,6 млн.сўм** даромад кўради. Қўшимча даромад топиш учун хонадонда **33 млн.сўм** банк кредити ҳисобига томорқасида гулчиликни ташкил этиш орқали бир йилда қўшимча **50-60 млн.сўм** даромад кўришни режалаштирмоқда.



Юридик корхоналарда ташкил этилаётган иш ўринларига ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш ҳамда қонуний меҳнат шартномаларини расмийлаштириш, шунингдек, ижтимоий солиқ тўлашни ташкил этиш

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга ижтимоий солиқ тўловини тўлашини ташкиллаштириш

Норасмий тарзда тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқароларни расмий секторга ўтказиш, фуқароларга ажратилган ер майдонларини деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказилишини ташкил этиш

Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик дастурлари орқали тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар ҳисобига янги иш жойларини ташкил этишни назорат қилиш

Иқтисодий зоналардан самарали фойдаланилган ҳолда, инвестиция дастурлари доирасида лойиҳаларни белгиланган муддатларда ишга тушишини ташкил этиш

Ҳудудларда “Е-Ауксион” орқали тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер майдонлари ва “К-Савдо” орқали якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш ҳолатларини таҳлил қилиш, шунингдек, тадбиркорлар томонидан лойиҳаларни белгиланган муддатларида ишга тушишини назорат қилиш



Фуқаролар *oila-kredit.uz* платформаси орқали кредит олишга ариза топширади



Ҳоким ёрдамчиси Онлайн маҳалла платформаси орқали тавсиянома беради



Маркетплейс орқали маҳсулот танлаб олинади ва таъминотчи билан шартнома имзоланади



Маҳсулотни етказиб бергандан кейин Ҳоким ёрдамчиси платформа орқали далолатнома расмийлаштиради



Масъул банк томонидан далолатнома текширилади ва таъминотчига пул ўтказиб берилади

Кредитлар

*жисмоний шахслар 33 млн. сўмгача гаровсиз,
юридик шахслар 300 млн. сўмгача гаров таъминоти.*

14 фоиз ставкада ажратилади.

Имтиёзлар

- Тармоқда ўз бизнесини ташкил этиш учун деҳқон хўжаликларига **50 млн сўмгача** гаровсиз;
- Кредит суммасининг **10 млн. сўмгача** бўлган қисми (ҳунармандлар учун **20 млн. сўмгача**) банк карталарига;
- Дастур доирасида ўз бизнес лойиҳаларини мувоффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга **100 млн. сўмгача** гаровсиз кредитлар ажратилади.

Муддатлари

3 йилгача муддатга **3 ойдан 6 ойгача** имтиёзли давр билан, **чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик** учун
1 йилгача имтиёзли давр билан, **боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни** ташкил этиш учун **7 йилгача** муддатга
3 йилгача имтиёзли давр билан, **18 ой** муддатгача айланма маблағлари учун ажратилади.



АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ЖАМҒАРМАСИДАН БЕРИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР



Енгил конструкцияли иссиқхоналар учун субсидия

10,2 млн сўмгача



Суғориш воситаларини харид қилиш учун субсидия

3,4 млн сўмгача



Уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидия

1 млн сўмгача



Қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун субсидия

3,4 млн сўмгача



Қўлда гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилиш учун субсидия

3,4 млн сўмгача



“Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаси аъзоларига ускуналар харид қилиш учун субсидия

3,4 млн сўмгача



Шогирд мустақил ўз фаолиятини бошлаш учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга. Усталарга интернет сайтларини ташкил этиш, реклама ва шу каби харажатлар учун

8,2 млн сўмгача



Балиқ етиштириш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия

680 минг сўмгача



Ўз фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуналарни харид қилиш учун субсидия

7-10 млн сўм



“Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун субсидия

Тўлиғича



Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ва микрофирмаларни рўйхатдан ўтказиш учун субсидия

Тўлиғича



Ишсизларга олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун субсидия

3,4 млн сўмгача



Усталарга шогирдлар тайёрлаш, хом-ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун субсидия, **6 ой давомида**

680 минг сўмгача



Ўқув хоналарида касб-хунарга ўқитиш қийин бўлган айрим касблар бўйича ҳар бир шогирд учун устага бериладиган субсидия, **3 ой давомида**

1 млн сўмгача





A red three-wheeled motorcycle with a cargo bed, parked on a white background. The vehicle has a red frame, a black seat, and a large cargo bed at the rear. It features a single front wheel and two rear wheels. The brand name 'Yamaha' is visible on the side of the engine. The cargo bed has a blue and yellow logo on its side.

A white Solo 4.5L backpack sprayer is shown in use in a field. The sprayer has a red pump handle and a black spray wand attached by a yellow hose. The brand name 'solo' and '4.5L' are printed in red on the tank. The background shows a vast green field under a blue sky with some clouds.



Фуқаро
(буюртмачи)



Ҳоким ёрдамчиси

Тавсиянома билан Бандлик бўлимига мурожаат қилади



Фуқаро
(буюртмачи)

Тавсинома ва ускуналар рўйхатини жамғармага юборди

Бандлик бўлими

**xarid.uzex.uz орқали
ускуналар харид
қилинади**

Харид қилинган ускуналарни қабул қилиб олади

**Бандлик бўлимидан
ускуналарни қабул қилиб олади**

Икки йил муддатга уч томонлама шартнома имзоланади

Жамоат ишлари
жамғармаси

Бандлик бўлими

Фуқаро
(буюртмачи)

**Қишлоқ хўжалиги
экинларига ишлов
бериш ускуналари**



Иссиқхона ва иссиқхона анжомлари





Банк томонидан



- Ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси талаб қилинади;
- Кредит тарихини ўрганади;
- Тегишли ҳужжатлар талаб қилинади;
- Гаров талаб қилинади;
- Кафил талаб қилинади;
- Энг камида йиллик кредит фоизи **14 %** ни ташкил қилади.

Жамғарма томонидан



- Ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси талаб қилинади;
- Кредит тарихи ўрганилмайди;
- Тегишли ҳужжатлар талаб қилинмайди;
- Гаров талаб қилинмайди;
- Кафил талаб қилинмайди;
- Йиллик ижара фоизи **5 %** ни ташкил қилади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари

I

Кредит ажратиш шартлари

1 **Фоииз ставкаси:**

Йиллик **18 фоииз**

(йиллик Марказий банкнинг асосий ставкаси +4 фоииз)

2 **Кредит миқдори:**

Жисмоний шахсларга – **33 млн. сўмгача**

Юридик шахсларга – **300 млн. сўмгача.**

3 **Кредит муддати:**

Боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона учун – **3 йилгача** имтиёзли давр билан **7 йилгача** муддатга;

Бошқа йўналишларга – **3 ойдан 6 ойгача** имтиёзли давр билан **3 йилгача** муддатга.

4 **50 млн. сўмгача гаровсиз:**

- Ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, тегишли сертификатни олган шахсларга **заргарлик** буюмларини ишлаб чиқариш учун зарур асбоб ускуналар сотиб олиш учун;

- узоқ муддатга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини ижарага олиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган **деҳқон хўжаликлари** ва **кичик тадбиркорлик субъектларига.**

Кредит аризалари қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки ҳоким ёрдамчиси кўмагида www.oilakredit.uz сайти орқали қолдирилади

II

Нақд ёки пластик картага ўтказиб бериш

1 Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига - ҳоким ёрдамчиси тавсиясига кўра кредит суммасининг **10 миллион сўмгача** бўлган қисми (хунармандлар учун **20 миллион сўмгача**) нақдлаштириш имконияти чекланган ҳолда **пластик карталарга;**

2 Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга – **5 миллион сўмгача** нақд кўринишда.

III

Натижа

Дастурдан самарали фойдаланиш орқали

- 1 Кафолатланган янги иш ўринлари яратилади ва аҳоли бандлиги таъминланади
- 2 Оилалар барқарор ва қўшимча даромад манбаига эга бўлади
- 3 Янги истиқболли ғоялар ва лойиҳалар рўёбга чиқади

Самарасиз ва мақсадсиз фойдаланиш орқали

- 1 Муаммоли кредитлар юзага келиши натижасида янги лойиҳалар молиялаштирилмасдан қолади
- 2 Кредит тарихи ёмонлашади
- 3 Дастурлар доирасида такроран кредит олиш имконияти йўқолади.

Кредит ажратадиган банклар



www.xb.uz



(71) 210 20 02
“CALL” центр -1106



Agrobank



www.agrobank.uz

(71) 203 88 88
“CALL” центр -1216



MKBANK



www.mkbank.uz

(71) 202 99 99
“CALL” центр -1285



- Электрон платформа (**oilakredit.uz**) орқали **ариза** юборилади *(мустақил равишда ёки ҳоким ёрдамчиларининг кўмаги билан)*
- Ариза платформа орқали автоматик тарзда **скоринг** таҳлил қилинади *(1 кун муддатда)*
- Ариза ҳоким ёрдамчиси томонидан кўриб чиқилади ҳамда тегишли **тавсиянома** берилади ёки асослантирилган ҳолда рад этилади *(5 иш кунда)*
- Тавсиянома берилган ариза бўйича банк томонидан **кредит шартнома** расмийлаштирилади *(3 иш кунда)*
- Кредит оловчи томонидан **электрон имзо орқали кредит шартнома имзоланади** *(10 кун муддатда)*
- “**Маркетплейс**” тизими (**Smart-market.uz**) орқали таъминотчи корхона билан электрон **шартнома имзоланади** *(15 иш куни)*
- Таъминотчи корхона томонидан маҳсулот (хизматлар) етказиб берилади ҳамда **электрон ҳисоб-фактура** кредит оловчига юборилади *(шартнома тузилган кундан бошлаб: товар(лар) - 15 кунда етказилади, хизматлар – 20 кунда кўрсатилади)*
- Кредит оловчи томонидан етказиб берилган маҳсулот (хизматлар) бўйича қониқиш ҳосил қилгандан сўнг **электрон ҳисоб-фактура имзоланади**
- Электрон имзоланган ҳисоб-фактурага асосан ҳоким ёрдамчиси томонидан жойига чиққан ҳолда **далолатнома расмийлаштирилади** *(3 иш куни)*
- Ҳоким ёрдамчисининг далолатномасига асосан банк томонидан **кредит маблағи** таъминотчи корхонанинг ҳисобварағига **ўтказилади** *(3 банк иш куни)*

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШИДА

1. “Сайхунобод тажрибаси” асосида кам даромадли хонадонларга 7 хил лойиҳа пакетларини тақдим қилиш ва аҳолининг бандлиги таъминлаш ишларини ўрганиш ва жонлантириш.

2. Банклар томонидан ижтимоий пакетлардан даромад топиш бўйича камбағал оилаларга ҳисоб-китоблар қилиб берилишини таъминлаш.

3. “Сайхунобод ва Уйчи тажрибалари”ни жорий этиш бўйича банклар фаолиятини самарали ташкил этиш.

4. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига жами ажратилган кредит маблағларининг миқдори ҳамда уларнинг барча маҳаллаларни қамраб олганлиги масаласини ўрганиш.

5. Банклар томонидан “мижозбай” ишлаш борасида фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ҳолати, “мижозбай” ишлаш механизмларини самарали жорий этиш ва кучайтириш ҳамда танлов асосида банд бўлган фуқароларни ўрганиш.

6. Банклар томонидан тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилган учрашувлар ва улар томонидан билдирилган муаммоларнинг ҳал этилганлиги ҳамда яратилган иш ўринлари сонини таҳлил қилиш.

Тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувларда кўтарилган масалаларнинг барчасини ҳал этиш чораларини кўриш.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАЎМАТ !